



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 11 декабрь, № 255 (7213)


Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий кутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланган ва изчил мустақамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар стратегик шериклиқнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди. Турли даражадаги алоқалар фаоллашди, самарали сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашувлар жадаллашмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама му-

носабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар қўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистон билан аънавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, изчил тараққиётни таъминлаш тарафдори эканини қайд этди. Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилмага оид қатор аҳамиятли лойиҳалар бу жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди.

Мозори Шариф — Хирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясининг қурилиши шулар жумласидан. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо ҳажми ва транзит юк оқимида оширишга хизмат қилаётган божхона терминалини ўз ичига олган “Термиз-Карго-марказ” халқаро логистика маркази ташкил этилди. Бундан ташқари, Термиз шаҳрида афғон ёшлари таълим олаётган ва касб-хунар эгаллаётган Таълим маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда. Учрашувда Афғонистонда тинчлик музокаралари жараёнини бошлашда афғон халқининг бош ва ҳал қилувчи ролини назарда тутган бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳара-

катларини янада узвий мувофиқлаштириш, ушбу мамлакатга иқтисодий кўмак лойиҳаларини илгари суришда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги қайд этилди. Залмай Халилзод ва Лиза Кёртис самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатида юксак баҳо берилди. Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон

бўйича халқаро конференция якунида афғон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича кўп жиҳатдан халқаро чоралар йўналишларини белгилаб бергани ва бу борадаги қўшма ҳаракатлар учун асос бўлгани таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
суратлари.



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗИГА, ЖИДДИЙ ТАНҚИДИГА САБАБ БЎЛДИ

2018 йил 10 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари киритилган бўлса-да, лекин йиғилиш аввалида асосий баҳс-мунозаралар 2019 йилга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсати Концепцияси устида кечиши аён бўлди.

Таркиб топган аънамага кўра, мажлис арафасида кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинганда ҳам депутатлар “2019 йилги бюджет-солиқ сиёсати Концепцияси ва 2020-2021 йилларга прогноз мўлжаллари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси хусусида қатор ўринли эътирозларини билдирдилар.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа 2019 йилги бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари Концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Бюджет кодекси, Солиқ

кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди. Қонун лойиҳаси 2019 режа йилига бюджет сиёсати Концепцияси ва 2020-2021 йилларга прогноз мўлжалларини амалга ошириш мақсадида қонунчиликдаги айрим нормаларнинг аниқ қўлланилиши, бюджетлараро муносабатлар ва солиққа тортиш соҳасидаги алоҳида масалаларни тартибга солишнинг зарур ҳуқуқий шароитларини яратиши лозим эди. Бироқ ушбу қонун лойиҳаси парламент кўйи палатасининг кўмиталари, фракцияларида бўлиб ўтган муҳокамаларда депутатларнинг бир қатор савол ва эътирозларини келтириб чиқарди.

➡ 2

РОБОТЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ, МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ... Соҳа ривожига бутунлай янги босқичга ўтилмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Тахлилларга кўра, 2035 йилга бориб мамлакатимиз нufуси 45 миллионга яқинлашиши мумкин. Демак, одамларнинг турмуш фаровонлиги, айниқса, саломатлигини таъминлаш жуда муҳим масала бўлиб қолаверади. Шу боис сўнгги икки йилда мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан ислох қилиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга киришилди.

Албатта, муайян натижа-ларга эришилди. Лекин фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган

ламларининг барчасига бирдек сифати тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш, жаҳон талабларига мос миллий соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш учун соҳани янада такомиллаштириш зарурати долзарб масала бўлиб турибди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан ушбу вазифаларни, яъни замонавий соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишни назарда тутди. Мазкур ҳужжат билан соҳанинг тараққиёт йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Бу борада мутасаддилар ўз муносабатларини билдирдилар.

➡ 3

Жиноятчиликка қарши курашишда унинг олдини олиш муҳим

Республикаимизда 9 015 та фуқаролар йиғини мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг 3 205 тасида биронта ҳам жиноят содир бўлмади. Бунда «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида рўёбга чиқарилган ишлар ҳамда спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда.



Жорий йилнинг октябрь ойида барча йиғинларда «Маҳалла ҳафталиги» спорт мусобақалари ва бошқа турнирлар ўтказилди. Уларда 973 618 нафар аҳоли қатнашди. Шундан 252 988 нафари хотин-қизлар, 466 827 нафари навқирон авлод вакиллариدير.

Юксак эътибор — улкан масъулият

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табриги деҳқон ва фермерлар, дала ишчилари кўнглини тоғдек кўтариб, ўз касбига бўлган меҳрини янада оширгани айни ҳақиқат. Бўни жойларда ташкил этилган тадбирлар, мулоқотлар чоғида айтилган самимий дил изҳорларидан ҳам билиш мумкин.

Айём тантаналарида бў йилги мавсумда қўлга киририлган ютук ва камчиликлар айтиб ўтилиб, аграр соҳани янада ривожлантириш, махсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш борасида қилиниши керак бўлган вазифалар бўлса эҳтимоли эътибор қаратилди.

Шукур

Содиқжон ҲАСАНОВ,
Чўст туманидаги “Барака мева саноат сервис”
масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
“Дўстлик” ордени соҳиби:

— Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни биз учун қўшалок байрам бўлди. Президентимизнинг Фармони мувофиқ, бир гуруҳ ҳам-касбларимиз қатори “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Бундан, айниқса, жамоа аъзоларимиз беҳад қувонганини айтмайсишимиз!

Корхонамизда ўсимликларни нонъанавий усул — аэропоника шароитида парваришlash йўлга қўйилган. Жорий йилда иссиқхонамизнинг 8 сотих қисмига уруғ-лик картошка туганакларини жойлаштиргандик. Тўпурсқиз шароитида ҳаво ёрдамида

парваришланган туганаклардан вирусдан холи уруғ-лик етиштирилди. Эндиги мавсумда маҳаллийлаштирилган уруғликни 2 гектар майдонга жойлаштирамиз, ундан чиққани 348 гектар ерга экилади. Режага кўра, 2020 йилга бориб вилоти-мизда картошка уруғи импортга бутунлай чек қўйилади.

Давр қишлоқ ҳўжалиги ривожини инновацион усулларни дадил жорий этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, бў борадаги изланишларни давом эттираверамиз.

Тўлқин БЕРДИЕВ,

Мирйишкор туманидаги “Бердиев Баҳриддин” фермер ҳўжалиги раҳбари:

— Юртимизда қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг меҳнати алоҳида қадрлиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан жуда хурсандимиз. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг табриги бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.



Хурсандик АРАББОВЕВ олган сурат.

Бобожон БОБОВЕВ,
Урганч туманидаги “Хоразм кўён савдо” МЧЖ раҳбари,
“Шўхрат” медали соҳиби:

— Мамлакатимизда чорвачиликка қаратилаётган эътибор бизни унинг сердаромад тармоқларидан бўлган кўён-чилиқни йўлга қўйишимизга туртки берди. Натижада хориждан келтирилган насли кўён зотларини маҳаллийлаштириб, уларни саноат усулида кўпайтира бошладик. Бир гектар майдонда 90 минг бош кўён боқишга мўлжалланган замонавий ферма биноси қурилган, 24 та қўшимча иш ўрни яратилди. Энг асосийси, мазкур лойиҳа

йилига 1 минг 200 тонна дудланган, консервланган ҳамда музлатиб қадокланган кўён гўштини экспорт қилиш имконини беради.

Инсон манфаати устувор юртда ҳеч бир меҳнат рағбатсиз қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Қамтарона хизматларим юксак эътироф этилиб, “Шўхрат” медали билан тақдирландим. Бу эса тан равнақи йўлида ташаббускор бўлишга, янада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

сотиб, шартнома режасини биринчи теримдаёқ уддалаб, бошқа экинлардан ҳам баракали ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Махсулотларимизни ҳосил байрами ва Янги йил арафасида элимизга тортиқ қилишдан беҳад мамнунимиз.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Юк мотоциклларимиз хорижликлар ҳавасини келтирмоқда

Қоровулбозор туманидаги “Бўхоро реал мото” масъулияти чекланган жамиятида экспорт учун мўлжалланган юк мотоциклларининг илк туркуми тайёрланди.

— Фаолиятимизни 2018 йилнинг март ойидан бошлаганимиз, — дейди корхона бош ҳандиси Соҳиб Сулаймонов. — Мотоциклларимиз ички бозорда аллақачон ўз ўрнини топти. Бўни уларнинг нархи ҳамён-боғлиги, сифати юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Гап шундаки, бизда бутловчи материалларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган. Ҳозир махсулотимизга хориждан ҳам талабдорлар чиқмоқда. Россияга 2 миллион АҚШ долларлиқ юк мотоцикллари етказиб бериш бўйича шартнома тузганмиз.

Маълумот ўрнида айтиш керак-

ки, бизнес лойиҳани амалга ошириш учун 4 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя сарфланди. Шунинг 1 миллион 800 минг доллари молия муассасаси томонидан ажратилган кредит маблағларидир.

Корхона жамоаси дастлаб 30 кишидан иборат эди. Қисқа муддат ичиде ишчилар сафи 70 нафарга етди. Омоной Ҳақназарова уларнинг бири.

— Туман хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан шу ерга ишга келдим, — дейди у. — Дастлабки кўн-ларда, очиги, иккиланганим рост. Эплаб кета олармиканман, деб ўйладим-да. Аммо сизга айтсам, бў айни аёлларбоп юмуш экан. Замонавий дастгоҳларни бошқаришнинг қийинчилиги йўқ.

Илк ютуклардан руҳланган корхона тадбиркорлари фаолиятини кенгайтириш тараддудини қўришмоқда. Янги бизнес-режага муво-

фиқ, олис чўл ҳудуди бўлган Қоровулбозорда қишлоқ ҳўжалиги техникаси, хусусан, ер ағдарадиган мотоцикллар, ҳар қандай йўл шароитида ҳам ҳаракатлана оладиган квадроцикллар ҳамда ногиронлик ара-вачалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Банк мазкур лойиҳани 500 минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажратиш орқали қўллаб-қувватлади.

Истам БИРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.



Анжуман

Қарши шаҳрида Абу Муин Насафийнинг ибратли ҳаёти ва илмий меросига бағишланган “Илму зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома” номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

«Илму зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома»

— Насафий бобомиз бундан минг йил аввал ҳаёлатга қарши маърифат билан курашиш ғоясини илгари сурганлар, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қурунов. — Ватандош-имиз яратган асарлардан дунёнинг қўлаб давлатларида, хусусан, Мисрнинг машҳур Ал-Азхар университетида дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Анжуман давомида швейцария ва қозғистонлик олимларнинг мавзуга доир илмий мақолалари ўрин олган материаллар, аллома ҳаёти ва илмий меросига бағишланган “Ҳақиқат қиличи” ҳужжатли фильми намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Абу Муин Насафий мақбара-сининг обод зияратгоҳга айлантирилиши борасида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани таъкидланди. Иштирокчилар тадбир сўнггида улф аллома мақбрасини зиёрат қилдилар.

Аҳмад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Назорат

1 миллиард 177 миллион сўмликдан зиёд камомад

Дон — халқнинг ризқи. Орамизда эл насибасига кўз тикиб, қайси йўл билан бўлса-да, уни ўмарини ниятида юрганлар ҳам йўқ эмас. Бўни Бош прокуратура-нинг телеграмдаги расмий каналида эълон қилинган қўйидаги мисол ҳам тасдиқлайди.



Жумладан, “Қўнғирот ун заводи” АЖ томонидан шартномавий муносабатлар асосида ишлаб чиқариш учун қабул қилиб олинган жами 1 700 тонна шили махсулоти моддий жавобгарлик шартномаси асосида Б. А.га берилиб, Қонлиқул тумани, “Жайхун” ОФЙ ҳудудидеги оморга жойлаштирилган.

“Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси бўй-ругига асосан, Б. А. жавобгарлиги-даги шилининг қирим ҳамда чиқими инвентаризациядан ўтказилганда,

1 миллиард 177 миллион сўмликдан зиёд 817 минг 902 кг. шили махсулоти камомати аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Аграрно-оат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфизлиги таъминлиниши устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Орзудаги уй орзулигича қолди

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси маълумотларига қараганда, шу йилнинг 8 декабрь кўни Тошкент шаҳар ИИББга фуқародан келиб тушган мурожаатда 2016 йил ноябрь ойида пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Ж. Ю. таниши М. А.га Олмазор тумани ҳудудидан 2 хонали уй олиб беришни ваъда қилиб, алдос йўли билан 164 миллион сўм пулини олгани баён қилинган.

Аммо шу кўнга қадар уй олиб бермасдан пуллари ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Айни пайтда



Ж. Ю. ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Томорқадаги оғу

Республикамизда наркотик моддаларнинг оқонуний айлан-масига чек қўйиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қўнун бўзилишларига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида гиёҳванд ўсимликларнинг оқонуний етиштирилиётгани фош қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, Чиноз туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида М. Т. исмли фуқаро хонадо-ни ва томорқаси ҳолислар ишти-роқда кўздан кечирилганда, гиёҳванд модда олиндиған нашга ўхшаш 6 туғ ўсимлик ўстирилаётгани, шунингдек, пискентлик А. У.нинг яшаш хонадо-ни оморхонасида вазни 10,6 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди.

Тошкент вилоти ИИБ Эксперт



криминалистика бўлими мутахассислари мазкур ўсимликларнинг канна-бис эканлигини тасдиқлашди. Ўсим-ликлар карантини ҳудудий инспекциясининг ҳулосасига биноан, ўсим-ликларга нисбатан бажарилиши ло-зим бўлган барча ағротехник тад-бир ва парвариш қилинганни ўз тас-диғини топти.

Ҳозир юқоридаги ҳолат юзасидан фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Р. ОТАЖОНОВ
тайёрлади.

РОБОТЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ, МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ...

Соҳа ривожиде бутунлай янги босқичга ўтилмоқда.

Алишер ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқ-ни сақлаш вазири:

— Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари-ни тақомиллаштириш, ушбу йўналишда соғлиқни сақлаш кодексини яратиш, трансплантология тўғрисидаги, репродуктив саломатлик, давлат-хусусий шериклик тизими ва соғлом турмуш тарзи бўйича қўнун қабул қилиш кўзда тутилган. Асо-сий йўналиш, бў — биринчи тиббий хиз-матга қаратилиб, профилактика ҳамда ка-салликларни эрта аниқлаш биринчи га-дағи вазифамиз бўлади. Қолаверса, за-монавий бошқарув тизимини ва ҳудудлар-да соғлиқни сақлашни ташкил этишининг кластер моделини шакллантириш, исбот-ли тиббиёт, робот хирургия, микрохирур-гия, нуклеар тиббиёт ҳамда тиббий гене-етикани жорий этиш мақсад қилинган. Эн-дидиликда мавжуд бар-ча тиббиёт бинолари инвентаризациядан ўтказилади, янги қурилгани мўлжал-ланган ва таъмир-талаблари аниқла-ниб, улар устида иш олиб борилади. Дори воситаларининг ай-ланмаси эса тўлиқ назоратга олиниб, маркировка ҳамда трекинг тизими та-тибқ этилиши кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган шу ва бошқа устувор вазифалар Фармон билан тасдиқланган

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси орқали амал-га оширилади. Концепцияни ишлаб чиқиш-да Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва соҳага доир бошқа халқаро ташкилот-ларнинг талаб ҳамда тақлифлари, дунё и-қёсидеги глобал вазифалар эътиборга олинган.

Лиан КУПЕНС,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкило-тининг Ўзбекистондаги ваколатхо-наси раҳбари:

— Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тан олинган йўна-лишларни ўзида муҳассам қилган ўта муҳим ҳужжат бўлди. Уни тайёрлашда бу-гунги вазият, кеча қўлга киририлган ютук ва камчиликларнинг барчаси синчковлик билан ўрганилди, тах-лил қилинди. Шу орқали Ўзбекистон соғлиқ-ни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг кейинги истиқболлари белгилди олинди. Мақ-сад ҳеч қимнинг эъти-бордан четда қолиб кетмаслиги, ҳар бир фуқаронинг тиббий хизматдан тўла фойда-ланиши учун имконият яратишдир. ЖССТ ўзаро ҳамкорликда тайёрланган ушбу Концепцияни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бў Ўзбекистон, унинг аҳолиси ҳамда дунё ҳамжамияти учун ҳам эътиборга молик ҳодисадир.

Тиббиётнинг ўзгармайдиган қоида-си бор: касални даволагандан кўра, унинг ол-дини олган афзал. Хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш билан бугун ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин бўлган юрак-қон томир, саратон, қандли диабет каби касалликларни даволаш кўрсаткич-ларини ошириш мумкин. Бунинг учун ста-ционар даволаш, поликлиникалар фаоли-яти самарадорлигини яхшилаш, жойлар-да кўп тармоқли марказлашган тиббиёт муассасаларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника ҳамда малакали кадрлар базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Баҳодир ЮСУПЛИЕВ,
соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Ҳўжжатда республикамизда мажбу-рий тиббий суғурталашни жорий этиш ҳам белгиланди. Албатта, ушбу механизм бир-данига эмас, балки босқичма-босқич жо-рий қилинади. Уни татбиқ этишда давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ка-майтирилмайди, аксинча, улар сақлини қолади ва аҳоли, айниқса, ижтимоий му-ҳофазага муҳтож фуқаролар ушбу маблағ-лар ҳисобига суғурталанади.

Шунингдек, Концепцияда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини та-қомиллаштиришга ҳам алоҳида уруғ бе-рилган. Тиббий генетикани, аёллар ва бо-лаларга шошилинч ҳамда ихтисослашти-рилган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурла-рини жорий этиш, “Она ва бола” ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ҳамда маълумотлар тизимларини шакллантириш чора-тадбирлари шулар жумласидандир.

Эльмира БОСИТХОНОВА,
соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

— Ҳар бир туман тиббиёт бирлашма-ларида болалар шифохоналари бўлимида туғу кун ишлайдиган шо-шилчин постлар ва бола-лар реанимацияси ане-тезиология бўлимида, вилотларда эса хомила-дор аёллар, гўдаклар ҳамда болалар учун ало-ҳида мобил реанимаци-он бригадалар, болалар нейрорургияларини очиш режалаштирилган. Бў эса аҳоли, айниқса, болаларга ўз вақтида тиб-бий ёрдам кўрсатиш си-фатини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 апрелдан эътиборан республиканинг айрим туман-ларида тиббиёт муассасаларини “ҳар бир даволанган ҳолат” учун клиник-ҳаражат гу-руҳлари бўйича ва киши бошига молия-лаштириш тизимини тажриба тариқасида жорий этиш, келгуси йил 1 июлдан бош-лаб айрим даволаш-профилактика муас-сасаларини инвесторларга ишончи бош-қарувга бериш режалаштирилган. Бў тиб-биёт муассасаларини молиялаштириш учун жалб этилаётган бюджет маблағла-рини мақсадли йўналтириш, соҳада дав-лат ва хусусий сектор шериклигини йўлга қўйиш орқали сизмат сифатини кўтариш-га имкон беради.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-лаш вазирилик фаолиятини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бинобарин, мазкур ҳужжат билан вазирлик тузилмасига муайян ўзгартириш-лар кириштилади. Жумладан, эндиликда ти-зимда янги муассасалар фаолият олиб боради. Булар Давлат-хусусий шериклиқни ва тиббий туризмни ривожланти-риш бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини рив-ожлантириш маркази ҳамда Тиббий-иқтимоий хизматлар агентлигидир.

Ўз навбатида, “Элек-трон соғлиқни сақлаш” тизими кенг жорий эти-либ, ягона миллий стандартлар асосида маълумотлар маж-муаси яратиладиган бўлди. Бундан таш-қари, ЖССТ тавсиялари бўйича соғлиқни сақлаш ҳисобларининг миллий тизими ҳам жорий этилади.

Қисқаси, айрим давлатларда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ муаммолар қўпайиб, сурункали ва юқумли касаллик-лар эпидемияси ҳавф-хатарга сабаб бўлаётган бир пайтда юртимизда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилаётган улкан эътибор инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари олий қадрият, унинг фаровон турмуш кеңириши, бахту саодати эса бош мақсад эканлигидан далолатдир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

СУВ СПОРТИ

Сузишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Хўш, мамлакатимизда мазкур спорт тури билан шуғулланиш имкониятлари қандай? Масалан, ҳозир киш мавсуми. Ёпиқ сузиш ҳавзалари етарлими? Чунки сузиш машғулотири фақат ёзда эмас, балки йил бўйи давом эттирилиши керак. Биз бу борада Сирдарё вилоятидаги шароитлар билан яқиндан танишиб, мутахассислар фикр-мулоҳазаларига кулоқ тутдик.

Иштиёқ бор, жой кам

Бугунги кунда вилоятда атиги учта ёпиқ сузиш ҳавзаси мавжуд. Шулардан бири Гулистон шаҳридаги вилоят сув спорти турлари-га ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабидир. У 2017 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, айни пайтда ҳудуд бўйича фаолият кўрсатиб турган ягона сузиш ҳавзаси ҳисобланади.

Бу ерда учта ҳавза мавжуд. Уларда 300 га яқин ўғил-қизлар спортнинг сузиш ва сув полоси билан мунтазам шуғулланади. Бундан ташқари, 32 нафар спортчи ҳам бор. Улар хусусида сал кейинроқ алоҳида тўхталамиз. Шунингдек, 40 нафар бола пуллик асосда соғломлаштириш гуруҳига қатнайдди. Бир ойлик абонемент тўлови 70 минг сўм. Қисқаси, шароитлар яхши. Аммо сузиш билан шуғулланмоқчи бўлган кишиларнинг барчаси бу имкониятдан фойдалана олмайди. Чунки жой йўқ.

— Маълумки, умуртқа поғонасида диск чурраси ҳамда бел оғриги, остеохондроздан азият чекадиган ёки бўйи ўсмай қолганларга шифокорлар сузишни тавсия этишади, — дейди мазкур спорт мактаби директори Ғулом Нурматов. — Сузиш ҳавзасига ана

шундай тавсия билан каттаю кичик жуда кўп келади. Бироқ уларга рад жавобини берамиз. Сабаби мажмуанинг қабул қилиш имконияти бундан ортигига тўғри келмайди.

Ғ. Нурматовнинг айтишича, ҳозир киш бўлишига қарамай, ояига ўртача яна 400 нафаргача талабгорлар сузиш ҳавзасига келиш иштиёқини билдирган. Ушан-да ҳам шаҳарга яқин бўлган

шунтирилади. Бошқа чора ҳам йўқ-да.

Шу ўринда, ижобий томонини ҳам қайд этиб ўтсак. Кишини хурсанд қилгани, жорий йил давомида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон очиқ турнирида ушбу мактаб тарбияланувчиларидан етти нафар совриндор, бир нафари голиб бўлган. Моҳир сузувчилар орасида терма жамоа аъзоси ҳам бор.

«Ўқувчиларимиз икки йил давомида умуман шуғулланмади»

Энди оғрикли масала хусусида. Гулистон олимпия захирала-

тирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби очилгунга қадар унинг тарбияланувчилари бу ерда шуғулланган. Энди эса олимпия захиралари ўқувчилари машғулот учун у томонга бориб қуришибди. Қаранг, қандай парадокс! Буни қандай тушуниш мумкин?

— Гулистон олимпия захиралари мактаб-интернатида қарашли сузиш ҳавзаси абгор ҳолатга келиб қолгач, ўқувчиларимиз икки йил давомида умуман шуғулланмади, — дейди сузиш бўйича Сирдарё вилояти бош мураббийи Ширьян Шокиров. — Фақат умумий жисмоний тайёргарлик билан машғул бўлдик. Очигини айтиш керакки, мана шу давр оралигида кўп нарсас йўқот-

- ★ Сузувчилар орасида гипертонияга чалинадиганлар бошқаларга нисбатан икки баробар кам учрайди.
- ★ Сузиш билан умуман шуғулланадиган боланинг бўғимлари мустаҳкам бўлади, мушаклари яхши ривожланади.
- ★ Мазкур спорт тури Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган. Демак, профессионал спортчи бўлишга аҳд қилган йигит ёки қиз сузиш орқали мамлакат довруғини дунёга танитишга ҳисса қўиши мумкин...

чининг кунини «бегона» ҳавзага қолган бўлса, оддий одамлар сузиш билан шуғулланиш учун қаёққа борсин?!

Усти ёпиқ, ичи совуқ

Биз санаб ўтган сузиш ҳавзаларидан бири Янгир шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактабида жойлашган. 120 нафар болага мўлжалланган ёпиқ сузиш ҳавзасида энг катта муаммо иситиш тизими билан боғлиқ. У ўтган йилдан буён умуман ишламайди. Мутасаддиларга шу ҳақда савол билан мурожаат қилдик.

Маълум қилинишича, бу ҳавзага 2019 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 120 миллион сўм ажратилиш кўзда тутилган. Шу билан у келаси йили таъмирланиб, ўз фаолиятини бошлайди. Умуман, сузиш спортини жойларда янада ривожлантириш мақсадида бир қанча режалар бор. Хусусан, Боёвут ва Гулистон туманлари ҳамда Ширин шаҳрида 2019 йилда ёпиқ сузиш ҳавзалари қуриш

Аслида сув спорти бўйича бежиз Сирдарё вилояти мисолида тўхталмадик. Гап шундаки, бу ердан бир пайтлар халқаро мусобақалар, жумладан, тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт байрами — ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчилари чиққан. Хусусан, Атланта (АҚШ, 1996 йил) Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси таркибид Сирдарё вилояти олимпия ўринбосарлари болалар-ўсмирлар махсус спорт мактаби вакили Сергей Кнешко сузиш бўйича катнашган. Сидней (Австралия, 2000 йил)да ўтказилган Олимпиадада эса ҳудди шу мактабнинг яна бир тарбияланувчиси Анастасия Королёва юртимиз шарафини ҳимоя қилган.

Шундай экан, узоқ йиллик танаффусга барҳам бериш фурсати этди. Бунинг учун эса ҳудудда малакали мураббийлар ҳам, иқтидорли спортчи ҳам топилади. Ўрганишлар давомида бунга амин бўлдик. Фақат уларга шароит яратиб берилса кифоя.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ.

Таълим

Ўзбек — Беларусь қўшма институти ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги делегациясининг Беларусь давлатига ишчи ташрифи давомида бу борада шартнома имзоланди.

2019 йилда юртимизда фаолият бошлаши кутилаётган мазкур нуфузли олий таълим муассасасида, асосан, иқтисодиётнинг реал секторида талаб юқори бўлган

малакали ишчи-мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Амалий мутахассисликлар институтида ўқув жараёни халқаро стандартлар асоси-

да, икки давлат ўқув режаларига таянган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, янги олий таълим муассасаси базасида ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб бориладиган қўшма марказ ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

Д. ЙҮЛДОШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1. Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
2. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: ассистент, доцент.
3. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
4. Мехнат муҳофазаси ва экология кафедраси: ассистент.
5. Тўқима матолари технологияси кафедраси: ассистент.
6. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи.
7. Муҳандислик ва компьютер графикаси кафедраси: катта ўқитувчи.
8. Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.
9. Физика ва электротехника кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
10. Костюм дизайни кафедраси: ассистент.
11. Кимёвий технология кафедраси: ассистент.
12. Чарм буюмларини конструциялаш ва технологияси кафедраси: доцент.
13. Тўқимачилик материалшunosлиги кафедраси: доцент.
14. Тиллар кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар томонидан ректор томонига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари топширилади.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказида.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. 1-бино, 210-хона. Тел.: 71-253-17-78.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазир Шўҳрат Муҳаммаджонович Солиқовга отаси

Муҳаммадjon СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва республика судлари жамоалари Олий суд судьяси Бахтиёр Сайфуллаевга онаси

Зулайхо ЎРИНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Агроекономика ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамоаси ушбу ташкилот ҳолими

Абдулла Абдулҳакович БАЙМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфия жиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Маънавият

Китоб ўқисангиз, хизмат — бепул

Пойтахтимизда “Китоб дунёси” савдо мажмуасига қарашли янги китоб дукони Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кўмағида фаолият бошлади.

Бу ерда минг номдан зиёд ўзбек ва чет тилларидаги 600 га яқин турли йўналишларга оид адабиётлар жамланган.

Китоб дуконида мижозлар учун алоҳида қулайликлар яратилган. Жавонлардаги исталган китобни шу ернинг ўзида мутлоақ қилиш мумкин. Албатта, бу текин. Дуконнинг ижтимоий тармоқларида “t.me/knigaSale”, “kniga.sale” каби саҳифалари бўлиб, улар онлайн тартибда ишлайди. Ушбу саҳифалар орқали буюртма берилган асарлар харидорларга мамлакатимиз бўйлаб бепул етказиб берилади.

Танлов ғолибига — «Спарк»

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни миллий ҳаётда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган “Ёш китобхон” танловига қатнашиш учун 720 мингга яқин ёшлар мурожаат қилди.

Саралаш босқичларида жами беш мингдан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичидан 3 ёш тоифаси бўйича жами 42 нафар катнашчи республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Яқунда 10 — 14 ёш тоифаси бўйича самарқандлик Махлиё Уроқова голиб деб топилди. Унга Президент совғаси — “Спарк” автомобилнинг қалити топширилди.

Кўрик-танлов 14 декабр-га қадар давом этади.

Дилшод КАРИМОВ таъйёрлади.